

Танлов таклифларини тақдим этишда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим.

- Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси.
- Мухрланган конвертга солинган ҳар бир лотга мўлжалланган алоҳида бизнес-режа. Унда қуйидаги маълумотлар албатта мавжуд бўлиши лозим:
 - Ишлаб чиқаришга режалаштирилаётган маҳсулотнинг тури, нархи, ракобатбардошлиги, шунингдек экспортга йўналтириш ҳажмлари;
 - Маҳсулот реализацияси учун мўлжалланган ички ва ташқи бозорнинг эгалланганлиги, аниқ харидор ёки мижозларнинг мавжудлиги;
 - Яратиладиган ишлаб чиқаришнинг йиллик қуввати (натурада ва сўмда);
 - Ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун талаб этиладиган ҳом-ашё ресурсларининг ва бутловчи қисмлар манбалари, фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги;
 - Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун талаб қилинадиган электр энергияси, газ, сув ва бошқа турдаги коммунал хизматларга бўлган йиллик эҳтиёж;
 - Лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш биноларини ва бўш ер майдонларини (қв.метрда) асослаб бериш мақсадида, ишлаб чиқариш ускуналари жойлашиши, инфратузилма объектлари ва маъмурий бинолар жойлашиши кўрсатилган корхона бош плани;
 - Янгидан яратиладиган иш ўринларининг сони, штат бирлиги ва уларнинг жалб этиш манбалари (бунда корхонанинг сменалик иш режими ҳисобга олинади);
 - Тўлиқ ишлаб чиқариш қувватларига чиқиш графиги;
 - Лойиҳани амалга оширишда ташаббускор тажрибага эгалиги ёки технологик шерик билан имзоланган келишув мавжудлиги;
 - Ташаббускорни молиявий ҳолатини тасдиқловчи ҳужжат (1-2 йиллик солиқ идораларига топширилган баланс);
 - Лойиҳани тўлиқ қиймати;
 - Лойиҳани амалга ошириш учун зарур инвестициялар (ўз маблаги, кредит, чет эл инвестициялари) миқдориди ва манбалари;
 - Инвестиция киритиш, лойиҳани амалга ошириш, корхонани ишга тушириш графиги (ойма ой).